

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI



Международный государственный экологический институт имени А.Д. Сахарова Белорусского государственного университета



TIBBIY TA'LIMDA ETIKA VA INTEGRATSIYA MASALALARI

xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari
(16 fevral, 2021 yil)

IKKINCHI QISM



Toshkent - 2021

UO,,K: 61.613.8

KBK 53.59 (O,,zb.Rus.Ingliz)

—Tibbiy ta'limda etika va integratsiya masalalaril mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferentsiya materiallari 2021 yil 16 fevralda Toshkent tibbiyot akademiyasi va Toshkent davlat stamatologiya instituti, Samarkand davlat tibbiyot instituti, Qozon davlat tibbiyot universiteti, Belorusiya davlat universiteti, Janubiy Qozog'iston tibbiyot akademiyasi, Qirg'iziston davlat tibbiyot akademiyasi hamkorligida tashkil etilgan konferentsiya asosida tayyorlangan bo'lib, ushbu to'plam tibbiyot oliy ta'lim muassasalarida Bioetika fanini o'qitishning roli va ahamiyati, tibbiy ta'limda integratsiya masalalariga bag'ishlangan.

Bosh muharrir: t.f.d., professor A.Q.Shadmanov

Tahririyat a'zolari: f.f.d., professor Norqulov D.T., f.f.d., professor Z.M.Muxamedova, t.f.d., professor F.L.Azizova, t.f.d., professor SH.A. Boymurodov, t.f.d., professor Xolmatova B.T., f.f.d. Norqulov S.D., f.f.n., dotsent F.S.Atamuratova, t.f.n., dotsent Alimova M.F.

ISBN 978-9943-6085-1-8

© —TIBBIY TA'LIMDA ETIKA VA INTEGRATSIYA
MASALALARI II MAVZUSIDAGI XALQARO ILMIY-AMALIY
KONFERENSIYA MATERIALLARI, 2021-yil 16-fevral.

**Keltirilgan dalillar, iqtiboslar va statistik ma'lumotlarning
haqqoniyligi uchun maulliflar mas'uldirlar.**

© —MUMTOZ SO'ZII, 2021.

**ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИДА ДАВЛАТЧИЛИК ТАРИХИНИНГ
БОШҚА ХАЛҚЛАР МАНБАЛАРИ АСОСИДА ЎРГАНИЛИШ
ЖАРАЁНЛАРИ**

Рўзиев Н.

Тошкент тиббиёт академияси

Аннотация. Ўзбекистон худудида, умуман, Марказий Осиё минтақасида ўрта асрлар давлатчилиги тарихи алоҳида тадқиқот сифатида махсус урганлмаган. Жумладан, илк ўрта асрлар давлатчилининг кўп жиҳатлари очиқ берилмаган. Ушбу мақолада Ғарбий Турк хоқонлиги давлатчилиги тарихини ўрганиш учун манба бўлиб хизмат қилувчи Эрон, Кавказ, Марказий Осиёга, Араб манбаларини ўрганиш орқали улардаги хоқонлик тўғричидаги ўхшаш ва фарқли ёғдашувларга урғу берилган.

Калит сўзлар: сосоний, ябғу, халифа, арам, хужжатлар, достон, эпик асарлар, лингвистик манбалар.

Маълумки Ғарбий Турк хоқонлиги тарихини ёритилишида аввало бошқа халқлар тарихий манбалари ҳам ўзиги хослиги ва батафсил ёндашувларига эга эканлиги билан келтирилган тиллардаги манбалар каби бўлмаса-да, паҳлавий (ўрта форс), ҳинд, сак (?) - хўтан, грузин, араб ва форс тилларидаги манбаларда учрайдиган баъзи маълумотлар хоқонлик тарихининг айрим саҳифаларини тўлдирадиган, шу жумладан, қадимги турк давлатчилиқ анъаналари ҳақида муайян тасаввурлар берадиган моҳиятдадир. Тўғри, улардан бир қисми хоқонлик давридан кейинги пайтларда яратилган, бироқ хоқонлик тарихи учун айрим бирламчи маълумотларни акс эттириши билан қийматлидир.

Шу муносабат билан паҳлавий тилли манбаларга мурожаат қиладиган бўлсак, бу тилда яратилган тарихий асарларда қисқа, бироқ хоқонлик бошқарувини ёритишда муҳим ўрин тутадиган маълумотларни учратиш мумкин. Жумладан, Эронни араблар истило қилгандан кейин зардуштийлар томонидан тузилган «Эроншаҳр» номли асарда Сосонийлар империяси элчи юборган **Yabgū-hāgān [ywbh“k“n] ud Sinjēbīg-hāgān [snčy pykh“k“n] ud Čōl-h“g“n [čwlh“k“n] ud wuzurgān (*wuzurg-hāgān]*... (Ябғу-хоқон ва Сир жабғу-хоқон ва Чўри-хоқон ва улуғлар (ёки *Улуғ-хоқон)» каби ҳукмдорларнинг исми ёки унвонлари санаб ўтилади [1]. Шунингдек, Сосонийлар муҳитига мансуб муаллифлар томонидан паҳлавий тилида ёзилган «Бундаҳишн» («Дунёнинг яратилиши») номли географик асарда (IX аср) қадимги турклар, «шимол мамлакатлари ҳукмдорлари - хоқонлар» ҳақида анчагина маълумотларни учратиш мумкин. Ушбу асарда қадим эрон салтанатининг ғайриэроний халқлар қўлига ўтиши ҳақидаги лавҳалар келтирилар экан, салтанатнинг мазда дини душманлари бўлмиш турклар қўлига ўтиши каби маълумотлар келтирилганки, уларни Сосонийлар – Турк хоқонлиги зиддиятининг инъикоси сифатида баҳолаш мумкин [2]. Шу билан биргаликда, хоқонликнинг жануби-ғарбий чекка ҳудудлари, шу жумладан Тўхористон ва Кобулистон сезиларли даражада Сосонийлар маданий муҳити таъсири остида бўлганлиги сабабли бу ерлардаги хоқонликка алоқадор сулолалар ўз танга зарбида бактрий ёзувидан ташқари паҳлавий ёзувидан ҳам фойдаланишган. Жумладан, Ашина хонадонининг бир тармоғи бўлмиш Тўхористон ябғулари сулоласига оид тангалар *ябғу* унвони билан паҳлавий ёзувида бостирилган бўлса, ушбу хонадоннинг бошқа бир тармоғи – Кобул тегиншоҳлари тангалари эса *тегин* унвони билан паҳлавий, қадимги ҳинд ва бактрий ёзувида зарб қилинган [3]. Бундан ташқари, паҳлавийча манбалар қаторига Шарқий Туркистонда яратилган «Маҳрнамаг» асарини (IX аср) киритиш мумкин. Асар хоқонликдан кейинги даврларга оид бўлса ҳам, унда ўнлаб қадимги туркча унвон ва эпитетлар ўрин олган [4]. Улар асосида хоқонлик бошқарувида мавжуд бўлиб, қадимги туркий асли қандай бўлгани мунозарали унвон, эпитет ва атамаларни қайтадан тиклаш имконияти бор.

Ғарчи хоқонлик давридан анча кейинги асрларда ёзилган бўлса-да, қадимги туркча атама, унвон ва этнонимларни тиклашда катта ёрдам берувчи қадимги хўтан-сак (?) тилидаги ёзма ёдгорликларга ҳам мурожаат қилинди. Шарқий эроний

тиллер гуруҳига кирувчи ушбу тилда X асрга тааллуқли ўнлаб ёзма ёдгорликлар (хужжат, хат ва ҳ. к.) етиб келган бўлиб, уларнинг хитой ёзувидан фарқли ҳолда алифболи ёзув экани қадимги туркларга хос кўплаб атамаларнинг асл ҳолатини қайта тиклашда ёрдам беради [5]. Шу боис, хоқонликнинг давомчиси сифатида унинг унвонлар тизимини ўзлаштирган Уйғур хоқонлигининг издоши – Гансу Уйғур давлати (IX–XI асрлар) доирасида яратилган ёзма ёдгорликлар тадқиқотга жалб қилинди [6].

Хоқонликнинг Кавказдаги фаолиятига доир маълумотлар қисман грузин манбаларида ўрин олган. Бу тилдаги манбалар ҳам гарчи кейинги даврларда ёзилган бўлса-да, айрим лавҳаларнинг оригиналлиги жиҳатидан хоқонлик тарихининг баъзи муаммоли масалаларини аниқлаштиришда аҳамияти катта. Хусусан, грузин йилномачиси Жуаншер 620 йилда Тифлис (Тбилиси) шаҳрини қамал қилган турк ҳукмдорини *Жибга* шаклида келтирган бўлиб [7], тадқиқотчилар фикрича, бу исм мазкур ҳарбий ҳаракатлар бошида турган шахс сифатида арман манбаларида *Жебухоқон*, юнон манбаларида эса *Зиевил* шаклида қайд этилган ҳукмдор исмига мос келади [8]. Муҳими, асли *ябгу/жабгу* унвонига алоқадор бу исмнинг бошқаларидан фарқли равишда қадимги туркча вариантга яқин шаклда берилган. Грузин манбаларидаги хоқонликка оид маълумотлар арман тарихчиси Моисей Дасхуранци ва византиялик тарихчи Феофан асарларидаги маълумотларга яқин бўлиб, нисбатан аввал ёзилган арман ва юнонча маълумотлардан грузин муаллифлари ўз асарларида фойдаланишган, деб ҳисоблашга имкон беради. Шунингдек, хоқонлик бир муддат грузин тупроқлари устидан ҳукмронлик қилган бўлиб, муаллифлар ўз асарларига у билан боғлиқ воқеаларни мавжуд хотиралар асосида ёзгани эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

Хоқонлик тарихи манбаси сифатида араб ва форс тилидаги манбаларнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Гарчи улар ҳам анча кеч даврга – IX–X асрларга тааллуқли бўлса ҳам, хоқонлик тарихининг баъзи қоронғу саҳифаларини ёритувчи маълумотларга эга. Аввало, улар орасида энг қийматлиси бўлган манба Абу Жаъфар ат-Табарийнинг «Тарих ар-русул ва-л-мулк» (IX аср) асари бўлиб, муаллиф ўз асарини ёзишда ўзидан олдин ёзилган асарлардан фойдаланиш баробарида, кўплаб воқеа шохидлари нақлларига таянган [9]. Зотан, асарнинг исломдан аввалги даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳолат, Эрон – Турон зиддияти, араб қўшинларининг Марказий Осиёга юриши, турк хоқонларининг Суғд, Бухоро, Шош, Фарғона, Тўхористон ҳукмдорлари билан иттифоқчиликда арабларга қарши кураши ҳақидаги маълумотлари ҳозиргача етиб келмаган паҳлавий тилли манбалардан олинган мазмундаги қарашлар мавжуд. Бундан ташқари, Табарий ўз асарида хоқонликнинг бошқарув маркази – Суяб ҳақида, қадимги туркларга хос жанг усуллари, урф-одатлар ва унвонлар ҳақида бирмунча маълумотларни акс эттирган [10]. Араб тилидаги манбалар қаторига IX–XI асрларда Марказий Осиё ўлкаларига, хусусан, мазкур минтақанинг дашт ҳудудларида яшаган турли туман туркий уруғ ва қабилалар орасига ташриф буюрган сайёҳлар ва элчилар ёзиб қолдирган географик манба моҳиятидаги асарларни ҳам киритиш мумкин. Бундай асарлар бирмунча кеч даврга оид бўлса ҳам, қадимги турклар жамияти ҳақида муайян тасаввур бера олади. Айниқса, улар орасида энг дастлабки маълумот халифа Хишам (724-743) томонидан турк хоқонига юборилган, исми сақланиб қолмаган элчи билан боғлиқ равишда ибн ал-Фақих

ал-Ҳамадонийнинг «Китоб ал-булдон» асарида ўрин олган бир маълумот диққатга сазовордир. Жумладан, асарда келтирилишича, элчи турк хоқони ҳузурига борганда хоқон унга ўз қўшинини намоиш қилган ва 10 дона байроқни бирма-бир силкитганда ҳар бир байроқ остида 10 минг нафардан аскар тўпланиб, 100 минглик қўшин йиғилган [11]. Бу маълумот айнан Ғарбий хоқонликка хос «Ун Уқ» тузилмасига алоқадор бўлиб, хитой йилномаларида келтирилган ҳар бири 10 минг аскар етказиб берган 10 нафар турк қабиласи билан боғлиқдир [12].

Араб графикасида ёзилган форсий тилли манбалар ҳам кейинги даврларга тааллуқли бўлишига қарамай, хоқонликнинг тарихига доир анчагина маълумотларни ўзига жо қилган. Улар орасида Абу Бакр ан-Наршахийнинг «Тарихи Бухоро» асарида хоқонликнинг Бухородаги фаолияти, Қорачурин турк хоқон ва унинг Бухорога юборилган ўғли Шери Кишвар (*турк. *Эл-Арслон*), Бухоро аслзодаларининг Еттисув билан муносабати, араб истилоси ва унга қарши курашда Бухоро ва Самарқанднинг турк хоқонларига ёрдам сўраб қилган мурожаати, арабларга қарши юборилган турк шахзодаси Курмағанун каби қимматли маълумотлар ўрин олган [13]. Шунингдек, асарда ўрин олган Қорачурин турк ҳақида «*уни Биёғу деб атайдилар. Буюклиги сабабли шундай ном олган*» мазмундаги маълумот диққатга сазовор бўлиб, тадқиқотчилар фикрича, *Биёғу* Ғарбий турк хукмдорлари унвони *ябғу* билан алоқадордир. Хулоса ўрнида, бир-биридан фарқли тиллардаги ёзма манбалар маълумотлари ва нумизматик материаллар қўшни халқлар ҳудудларининг маълум вақт мобайнида Ғарбий Турк хоқонлигининг бошқарув марказларидан бирига айланганидан дарак беради. Юқорида келтирилган халқлар қарийб юз йил давомида вақти-вақти билан Ғарбий Турк хоқонлигининг асосий таянч ҳудуди бўлиши билан биргаликда бошқарув маркази вазифасини ҳам ўтаган. Бунда, энг аввало, ҳудудларнинг ҳам стратегик, ҳам иқтисодий жиҳатдан муҳим жойда жойлашгани катта роль ўйнаган.

Адабиётлар:

- Амбарцумянц А. А. Этноним «хйаона» в Авесте // Записки Восточного отделения Российского Археологического общества (ЗВОРАО): НС. – СПб., 2002. Т. I (XXVI). – С. 58.
- Pahlavi Texts. The Bundahis-Bahman Yast, and Shayast La-Shayast. Trans. by E. W. West. Vol. 5. Part 1. – Delhi, 1987. – P. 37, 410.
- Harmatta J., Litvinsky B. A. Toharistan and Gandhara under Western Turk rule // HCCA. Vol. 3. – Paris 1996. – P. 367–401.
- Müller F. W. K. Ein Doppleblatt aus einem manichäischen Hymnenbuch (Mahnāmag). Abhandlungen der Preussischen Akademie der Wissenschaften, 1912. Nr. 5. – P. 3–40.
- Bailey H. W. A Khotanese text concerning the Turks in Kantsou // AM. – London, 1964-1965. – Vol. I. – P. 28–52.
- Çandarlıoğlu G. Sarı Uygurlar ... – S. 14, 32–51.
- Golden P. B. Hazar Çalışmaları. Çev. E. Ç. Mızrak. – İstanbul, Selenga, 2006. – S. 216–217.

- Kalankatlı M. Alban Tarihi... – S. 145, 149–150, 168, 179; Golden P. V. Hazar Çalışmaları... – S. 216.
- История ат-Табари. Избранные отрывки (Перевод с арабского В. И. Беляева. Дополнения к переводу О. Г. Большакова и А. Б. Халидова). – Т., 1987.
- История ат-Табари... – С. 242.
- Stark S. On Oq bodun. The Western Türk Qağanate and the Ashina clan // АЕМАе. – Wiesbaden, 2008. – Tom 15. – P. 160.
- Бичурин Н. Я. Собрание сведений... I. – С. 289; Taşgıal A. Gök-Türkler. – Ankara, 1999. – S. 97.
- Наршахий, Абу Бакр. Бухоро тарихи. – Б. 91; Толстов С. П. Древний Хорезм: Опыт историко-археологического исследования. – М., 1948. – С. 152.

ИЛК ЎРТА АСРЛАРДА ҒАРБИЙ ТУРК ХОҚОНЛИГИДА ДАВЛАТЧИЛИК ТАРИХИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Рўзиев Н.

Тошкент тиббиёт академияси

Аннотация. Ўзбекистон ҳудудида, умуман, Марказий Осиё минтақасида ўрта асрлар давлатчилиги тарихи алоҳида тадқиқот сифатида махсус урганлмаган. Жумладан, илк ўрта асрлар давлатчилигининг кўп жиҳатлари очиб берилмаган. Ушбу мақолада Ғарбий Турк хоқонлиги давлатчилиқ тарихини ўрганиш учун манба бўлиб хизмат қилувчи йилнома, саёхатнома, эпитафик ва пиктографик ёзув ёдгорликларни таснифлаш орқали улардаги хоқонлик тўғрисидаги ўхшаш ва фарқли ёндашувларга урғу берилган.

Калит сўзлар: йилнома, саёхатнома, эпитафик, пиктографик ёзув ёдгорликлари, ҳужжатлар, достон, эпик асарлар, лингвистик манбалар.

Ғарбий Турк хоқонлиги давлатчилиқ тарихини VI–VIII асрларга тааллуқли турли тиллардаги ёзма манбаларга мурожаат қилиш лозим бўлади. Чунки ҳозирда Турк хоқонлигидан олдин тарих саҳнасига чиққан Марказий Осиёнинг шимолий ва шимолишарқий даштларида ҳукм сурган чорвадор давлатларининг моддий маданияти ёдгорликларидан фарқли равишда кўп миқдордаги эпитафик ва пиктографик ёзув ёдгорликлар ҳам хоқонлик тарихини ёритишда муҳим ўрин тутди.

Хоқонлик ва ундан кейинги дашт империяларининг ички ҳаёти ва ташқи сиёсатига тегишли кўплаб батафсил маълумотлар мавжуд. Этиборимизда эса асосан Ғарбий Турк хоқонлигининг давлат тузумини ўрганиш билан чекланилади. Шу боисдан, манбаларни таҳлил қилиш жараёнида уларнинг ишончлиқ даражасини ҳисобга олиб, асосан, улардаги хоқонлик бошқарувида алоқадор маълумотларга эътибор қаратилди. Яъни ҳар қандай манба маълумотининг мавзуга алоқадор жиҳатларини ўрганилиб чиқилиб, тўпланган материалларни бир тизимга келтириш ва умумлаштирган ҳолда ўрганиш лозим топилди.

Йилномалар. Хоқонлик тарихини ёритувчи ёзма ёдгорликлар орасида энг муфассал маълумотларни акс эттирган манбалар йилномалар бўлиб, аввало, хитой

манбалари ва қадимги турк битиктошлари, сўнгра эса, юнон, арман ва сурёний тилларидаги йилнома характеридаги ёзма манбалар ҳам муҳимдир.

Ёзма манбаларнинг ушбу туридаги ўзига хос афзалликлар шундаки, улар хронологик жиҳатдан кенг қамровли бўлиши баробарида хоқонликда юз берган сиёсий ва ижтимоий жараёнларни изчил кузатиш имконини беради, бироқ уларда бир қатор етишмовчиликлар мавжуд. Бу асосан, солномачи характеридаги манба муаллифларининг географик жиҳатдан тор доирани қамраб олиши, асосий эътибор жанг ва уларнинг тафсилотларига қаратилганида кўзга ташланади. Тўғри, хитой йилномалари бу жиҳатдан анчагина кенг қамровли бўлса ҳам, улар асосан хоқонликнинг марказий ҳудудларидаги сиёсий жараёнлар ва у билан хитой империялари орасида юз берган воқеалар моҳиятини ёритгани учун хоқонликнинг чекка ҳудудлари – Қора денгиз бўйлари, Шимолий Кавказ ва Хуросондаги ижтимоийсиёсий жараёнларни тадқиқ қилиш учун бошқа манбаларга мурожаат қилиш зурурияти туғилади. Худди шунга ўхшаб, гарчи воқеаларни йилмайил ёритган бўлса ҳам қадимги турк битиктошларидаги маълумотлар хоқонликнинг нисбатан кейинги даврларига тўғри келишини айтиб ўтиш зарур.

Саёҳатномалар. Йилномалардан ташқари, қисман саёҳатномлар ҳам етиб келган бўлиб, улар асосида хоқонликнинг кундалик ҳаёти ва бошқарув тузумининг бир қатор жиҳатларини ёритиш мумкин. Хусусан, улар орасида Сюан Цзан (629645) ва Хой Чао (726) каби хитой роҳибларининг [1.– С. 187–195] Марказий Осиё ва унга қўшни мамлакатларга қилган саёҳатлари катта ўрин тутди. Шунингдек, Византия элчиларининг хоқонлик ҳудудига ташрифи асносида йиғилган маълумотлар асосида ёзилган айрим юнон манбалари ҳам ўз хусусиятларига кўра саёҳатнома характерида эга. Бундан ташқари, Уйғур хоқонлиги томонидан тобе қабила ва уруғлар солиқ йиғимини тафтиш қилиш ҳамда қўшни халқлар ҳақида маълумот йиғиб келиш учун юборилган элчилар маълумотлари асосида ёзилиб [2.– С. 13], тибет тилидаги таржима нусхаси етиб келган ҳужжат ҳам бир нави саёҳатнома васфидадир.

Ҳужжатлар. Гарчи баъзи ҳолатларни ҳисобга олмаганда [3.– Р. 74–145.], иш юритиш воситаси сифатида хоқонлик бошқарувчилари буйруғига биноан яратилган бирор ҳужжат етиб келмаган бўлсада, хоқонлик таркибидаги тобе ҳукмдорликлар муҳитида тузилган ўнлаб ҳужжатлар сақланиб қолган. Жумладан, Панч ҳукмдорлигига тааллуқли суғдий тилли Муғ тоғи архив ҳужжатлари, Тўхористон ва Кобул водийсида тузилган бактрий тилли ҳамда Турфон (Гаочан) ҳукмдорлигига тааллуқли суғдий ва хитой тилли ҳужжатларда хоқонликнинг бошқарув тузуми билан боғлиқ бир қатор маълумотлар ўрин олган[4.]. Ушбу ҳужжатларнинг тузилишида хоқонлик марказий ҳокимияти тўғридантўғри иштирок этмаган бўлсада, уларда хоқонлик амалдорлари исми ва унвонининг қайд этилиши, хоқонлик бошқарувига оид айрим маълумотларнинг ўрин олгани ҳужжатларни манба сифатида ўрганишни талаб қилади.

Достон ва эпик асарлар. Айнан хоқонлик даврида ёзувга туширилган достон ёки шунга ўхшаш бирор асар етиб келмаган бўлсада, ўрта асрларда яратилган «Қутадғу билиг», «Ўғузнома» каби асарларда хоқонликнинг ижтимоийсиёсий тарихига, шу жумладан, давлатчилик анъаналарига доир кўплаб қимматли маълумотлар сақланиб қолган[5.]. Шунингдек, хитой йилномаларида акс этган қадимги туркларнинг яратилиш афсоналарига алоқадор лавҳалар ҳам хоқонликнинг давлат сифатида пайдо

бўлиш масалаларини ёритишда муҳим аҳамиятга эга. Арабфорс географлари асарларида туркийларнинг келиб чиқиши ва туркий давлатларга доир баъзи маълумотлар ўрин олгани учун ҳам уларни бу турдаги асарлар қаторига киритиш мумкин.

Лингвистик манбалар. Қадимги турк давлатчилиқ анъаналарини ёритишда лингвистик манбаларнинг ўрни катта. Айниқса, Турк хоқонлиги давлат тузуми ҳақида муайян тасаввурлар ҳосил қилиш учун Ўрхун-Энасой битиктошларининг роли беқиёс [6]. Чунки хоқонлик бошқарувига бевосита ва билвосита дахлдор атама, унвон ва эпитетларни аниқлашда битиктошлар бирламчи манба бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, лингвистик манбалар қаторига Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» (XI аср) асарини [7.S. 79–88] ҳам киритиш мумкин. Гарчи ушбу асар анча кейинги даврларга оид бўлса ҳам, битиктошларда ўрин олган атама ва унвонларнинг бажарган функциясини аниқлашдаги аҳамияти бошқаларига қиёслаб бўлмайдиган даражададир.

Манба муаллифларининг этносиёсий мансублигига кўра таснифи. Хоқонлик тарихига бевосита алоқадор манбаларни аниқлаш ва маълумотларнинг ишончлилиқ даражасини белгилашда уларнинг қандай этносиёсий муҳитда яратилганлиги ҳам муҳимдир. Чунки шу асосда хоқонлик тарихининг бирламчи ва ёрдамчи манбалари аниқланади ҳамда маълумотларнинг реал воқелиқларга қай даражада боғлиқлиги ўз ифодасини топади. Қолаверса, муаллифларнинг этносиёсий мансублиги воқеаларнинг қанчалиқ даражада холис ёритилганини белгилашда асосий омилдир. Агар хоқонлик доирасида яратилган асарларда воқеалар тўғридантўғри ёритилгани билан аҳамият касб этса, хоқонлик таркибига кирмаган этнос вакилларига мансуб асарлар «сиёсий буюртмалар»сиз ёзилгани билан ажралиб туради.

Хоқонлик муҳитида яратилган (қадимги туркий ва суғдий тилли) манбалар. Бу масалада биринчи ўринда, албатта, хоқонликнинг расмий тарихий асарлари бўлмиш суғдий тилли Буғут (588) ва Или (599) битиктошлари [8.– С. 9-39, 45-52, 55-63.] ҳамда юқорида ҳам айтиб ўтилган 690-730 йиллар орасида яратилган қадимги туркча (Онгин, Тунюқук, Кул Тегин, Билга хоқон, Муюнчўр, Терхин каби Ўрхун битиктошлари туради. Ушбу ёзма асарлардан бир қисмининг муаллифи аниқланмаган бўлсада, уларнинг ҳар бири хоқонликка асос солган этнос бўлмиш қадимги турклар муҳитида ёзилганлиги мавзуга алоқадор кўплаб масалаларнинг ечим топишига олиб келади. Гарчи Буғут ва Или битиктошлари суғдий тилда яратилган бўлсада, уларнинг муаллифлари айнан хоқонлик муҳитига мансуб шахслар бўлганлиги ушбу манбаларнинг аҳамиятини ҳеч бир даражада камайтирмайди. Шу боис, ҳар икки тилдаги битиктошлар манба сифатида ноёб асарлардир. Булар қаторига кейинги йилларда аниқланган нумизматик материалларни ҳам қўшиш мумкин. Чунончи, асосан, Тошкент воҳасидан, қисман эса Фарғона ва мамлакатимизнинг бир қатор ҳудудларидан топилган суғдий тилли мис тангалар Фарбий Турк хоқонлигига бевосита ва билвосита тегишли бўлиб, уларнинг зарб қилинишида хоқонликнинг бошқарувчи тоифаси Ашина хонадони вакилларининг иштироки бор [9.– Р. 471-504]. Мазкур нумизматик материалларнинг бир қисми хоқонликка у ёки бу даражада дахлдор туркий ва турксуғд асосли сулолаларга тааллуқлидир. Ушбу нумизматик материаллар ҳам хоқонликнинг асосий аҳолисини ташкил этган туркий ва суғдийларнинг ўзаро симбиозга киришган

мухитига мансуб бўлиб, бу эса уларнинг манба сифатидаги оригиналликни янада оширади. Хуллас, ҳар икки тилдаги манбалар хоқонликнинг ички мухитида яратилгани боис, уларни бирламчи манбалар, деб ҳисоблаш мумкин.

Жумладан, яқин йилларда илм аҳлига танитилган Или битиктоши (Шарқий Туркистон) Ғарбий Турк хоқонлигига алоқадор шу пайтгача аниқланган ягона суғдий тилли манба бўлиб, хоқонлик тарихининг бир қатор мавҳум саҳифаларини ёритадиган маълумотларни акс эттирганлиги билан қимматлидир.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мазкур манбаларни хоқонликка тарихига оид тўлақонли акс эттирган манбалар қаторига киритиб бўлмайди. Боиси, улар хитой йилномаларидан фарқли ҳолда, кўпроқ ёднома васфидаги асарлар бўлиб, узвийлик етишмайди ва ҳукмдорлардан ҳар бирининг фаолияти кетмакет ёритилмаган.

Адабиётлар:

- Beal S. The life of Hiuan Tsiang. – New Delhi, 1990; Бернштам А. Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726) // ВДИ. – Москва, 1952. – № 1. – С. 187-195; Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre Türkistan. Basılmamış doktora tezi. – Ankara, 2003.
- Ушбу хужжатни айрим тадқиқотчилар 787843 йилларда Тибетга ташриф буюрган 5 нафар Уйғур хоқонлиги элчилари берган маълумотлар асосида ёзилган, деб ҳисоблашади (Çandarlıoğlu G. Sarı Uygurlar ve Kansu Bölgesi Kabileleri (9.-11. Asırlar). – İstanbul, 2004. – S.13).
- Согдийские документы с горы Муг. Чтение, Перевод. Комментарий. Вып. II. Юридические документы и письма / Чтение, перевод и комментарии В. А. Лившица. – М.: Вост. лит., 1962; Sims-Williams N. Bactrian Documents from. – P. 74-145.
- Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Нашрга тайёрловчи Қ. Каримов. – Т.: Фан, 1971; Togan A. Zeki Velidi. Oğuz Destanı. – İstanbul, 1972; Короглы Х. Огузский героический эпос. – М.: Наука, 1976.
- Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Т., 1982; Orhun H. N. Eski Türk Yazıtları. – İstanbul, 1987; Tekin T. Orhon Yazıtları. Kül Tigin, Bilge Kağan, Tunyukuk. – İstanbul, Yıldız Yayınları, 2003.
- Кошғарий, Махмуд. Туркий сўзлар девони (Девону-луғот ит-турк) / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталлибов. 3 томлик. – Тошкент, Фан, 1960–1963.
- Kljaštornyj S. G., Livšic V. A. The Sogdian Inscription of Bugut revised // AOASH. – Budapesht, 1972. – Tom XXVI (1). – P. 69-102; Osawa T. Batı Göktürk Kağanlığın'daki Aşınaslı Bir Kağan'ın Şeceresine ait Bir Kaynak // TÜRKLER. – Ankara, 2002. – Cilt 2. – S. 79–88.
- Бабаяров Г. Древнетюркские монеты Чачского оазиса (VI–VIII вв.). – Т., 2007. – С. 9-39, 45-52, 55-63.
- Ôsawa T. Aspect of the Relationship Between the Ancient Turks and the Sogdians – Based on a Stone Statue with a Sogdian Inscription in Xinjiang // Êrân und Unêrân. – Venezia, 2006. – P. 471–504.

MUNDARIJA

BIOAXLOQIY MADANIYAT RIVOJIDA MILLIY VA DINIY QARASHLARNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI НАЦИОНАЛЬНЫЕ И РЕЛИГИОЗНЫЕ ОСОБЕННОСТИ В РАЗВИТИИ БИОЭТИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ NATIONAL AND RELIGIOUS CHARACTERISTICS IN THE DEVELOPMENT OF BIOETHICAL CULTURE		
<i>Алиджанова Л.А.</i>	Христианлик ва ислом жамиятларида аборт муаммосининг биоэтик масалалари	3
<i>Туленова К.Ж., Расулев Э.Х.</i>	О ценностях в научной среде	7
<i>Норқулов Д.Т., Бобоерова Н.Д.</i>	Бозор иқтисодиёти шароитида касбкорлик ахлоқий маданияти ва шифокор ахлоқи	11
<i>Атамуратова Ф.С. Султонова А.Р.</i>	Становление и развитие биоэтики в узбекистане	16
<i>Мамажонова Г.К.</i>	Биоэтика доирасидаги илмий тадқиқотларни ривожлантиришнинг ахлоқий жиҳатлари	19
<i>Алимова Г.Б., Алимова С.Г.</i>	Медико-демографические проблемы населения в содержании биоэтики	23
<i>Носирдинов Д.А., Умирзакова Н.А.</i>	Состояние биоэтической культуры в Узбекистане на национальном и религиозном уровне	27
<i>Жуманазарова М.Ж., Атамуратова Ф.С.</i>	Этика общественного здравоохранения как проблема биоэтики	29
<i>Нурматов А.Н., Рахимбердиев И.С.</i>	Психологические особенности общения врача и пациента	32
<i>Махмудов Л.Ю.</i>	Биоэтика назариясининг шаклланиши ва долзарблиги	35
<i>Bahriddinovna Ch.J.</i>	Bioetikada axloqiy tanlov nima va uning tibbiyotdagi o'rnini	37
<i>Азизов А.А.</i>	Ўзбек халқи биоэтик маданиятида ҳайвонларга нисбатан муносабат анъаналари интерпритацияси	39
<i>Хашимова М.К.</i>	Актуальные вопросы биоэтики и нравственного воспитания	44
<i>Фуломова А.Н., Абилов У.М.</i>	Биоэтика ва этнос назарияси борасида конструктив ва примордиал ёндашувлар таҳлили	47
<i>Қўйлиев Т.</i>	Биологик ахлоқнинг тиббий ва диний тараққиётда намоён бўлиш хусусиятлари	51
<i>Суннатов Д.Б.</i>	Ибн Синонинг асарларида ахлоқ ва тиббиёт этикаси хақидаги фикр-мулоҳазалар	55
<i>Rustamov A.G.,, Siddiqov B.T.</i>	Sog'liqni saqlashda bioetikaning o'rnini	59
<i>Shukurullayeva G.N.</i>	Biotics as the practical basis of ethical knowledge	61
<i>Мурзаева Ш.Б.</i>	Шахс ахлоқий маданиятида илмнинг ўрни	63
<i>Xamidova F.M., Yakubov M.Z., Amonova G.U., Bobonazarov S.D.</i>	Farmatsevt mutaxassis tayyorlashda uchraydigan bioetik muammolar	66
<i>Маматкулов Б.М., Инаков Ш.А.</i>	Этические аспекты научных исследований среди пожилого контингента населения	71
<i>Миркамилова З.М.</i>	Ўзбекистонда биоахлоқ: муаммо, тажриба, истиқболлар	73
<i>Джалилова Г.А., Расулова Н.Ф., Мухамедова Н.С.</i>	Основные принципы биоэтики в медицине	77

<i>Файзиева М.Ф., Расулова Н.Ф., Искандарова В.В. Usanov Sh.M., Eshpo., latova Yu.Sh. Алимova С.Г.</i>	Классические биоэтические учения	82
	Yoshlar axloqiy madaniyatining shakllanishida abdurauf fitrat milliy me_rosining o_gni	88
	Зелёная экономика с точки зрения биоэтики	90
<i>Намроев S.S.</i>	Globalashuv sharoitida bioetika dixotomiyasi	93
<i>Блинова С.А., Шодмонова М.А., Кормишов Т.Б. Isxakov V.B</i>	Значение медицины мусульманского средневековья для современной медицины	95
	The ecologic conception of zoroastrism connected with environment	98
<i>Худаёрова О.К., Кулдошева Г.Д. Абдурахимова Ш.А.</i>	Тиббий маданиятнинг ўзига хос ривожланиш хусусиялари	102
	Исторический аспект взаимосвязи охраны здоровья населения и биоэтики	105
<i>Ахмеджанова Д.М.</i>	Жадидларнинг биоэтик қарашларида инсониятни соғломлаштириш масалалари	108
<i>Худоёрова О., Хакимова Д.</i>	Тиббиёт ходимларининг фаоллик ва фидойилик туйғусини кучайтириш йўллари	111
TIBBIY TA'LIMDA IJTIMOIIY-GUMANITAR FANLARNING O'RNI		
МЕСТО СОЦИАЛЬНО-ГУМНИТАРНЫХ НАУК В МЕДИЦИНСКОМ ОБРАЗОВАНИИ		
PLACE OF SOCIAL AND HUMAN SCIENCES IN HEALTH EDUCATION		
<i>Норқулов С. Д., Азизова Ф.Л., Умарова Ф. С.</i>	Миллий ғоя ва маънавий тараққиёт	115
<i>Юнусова Ш.</i>	Илм ва фан тараққиёти тасодиф эмас, балки заруриятдир. 2021 йил - ёшларни қўллаб қувватлаш ва аҳоли саломатлиги йили	118
<i>Аширматов Ҳ.</i>	Нанотехнологияларни қўллашдаги салбий оқибатлар ҳамда уларни бартараф этишнинг йўллари ва усуллари	120
<i>Sabirova N.R.</i>	Abu Ali Ibn Sinoning falsafiy-ma'naviy merosida axloqiy qadriyatlar tahlili	124
<i>Ахмедов Э.К.</i>	Ахлоқий маданиятни шакллантиришда медиамиссионерликнинг салбий таъсири	127
<i>Мустанов А.Ю.</i>	Абу Али Ибн Синонинг таъбабатга қўшган ҳиссаси	131
<i>Қўйлиев Т. Рахмонбердиева Н. Утаев F.F., Абилов У.М.</i>	Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда биологик ва ижтимоий-маънавий омилларнинг ўрни	134
	Ёшлар тарбияси – миллат келажаги пойдевори	137
<i>Аскарова Н.А., Уктамова Д.З.</i>	Психологические аспекты лечения онкологических больных	140
<i>Аскарова Н.А., Ибрагимова Н.Н. Исканджанова Ф.К.</i>	Эндокринологик касалликларда бемор психологияси	143
	Педагогические способности как основа педагогического потенциала личности преподавателя	146
<i>Аскарова Н.А.</i>	Психологические особенности синдром дефицита внимания с гиперактивностью во взрослой жизни	150
<i>Ruziev B.U.</i>	Buyuk Amir Temurning axloqiy qarashlari	153
<i>Askarova N.A., Rahimjonova M.K.</i>	Germafroditizmда shaxs psixologiyasi	156

<i>Qodirova N.M.</i>	XX asr boshlarida Buxoro amirligida davlatchilik jarayonlarini o'rta maxsus ta'lim tizimi o'quvchilariga o'qitishning metodik usullari	160
<i>Rustamova R.P., Ismailova A., Parmanova N.A., Umarova S.A.</i>	Yoshlarning sog'lom va barkamol rivojlanish xususiyatlari Shaxsning tafakkur xususiyatlari	163 168
<i>Норқулов С.Д., Умарова Ф.С.</i>	Жамият ҳаёти ривожда маънавиятнинг ўрни	170
<i>Авлақулов А.М.</i>	Виртуал олам хатарлари ва ёшлар ахлоқи	173
<i>Буриева Д.А.</i>	Шароф Рашидов ўз даврининг қурбони	177
<i>Искандаров Ш.А.</i>	Ўрта Осиёда арабларнинг миллий ўзликни англаш доир айрим қарашлар	180
<i>Искандаров Ш.А.</i>	Т.Ж. Барфилднинг Марказий Осиё араблари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари	183
<i>Қодиров М.М.</i>	Умумтаълим мактабларининг технологик фанларида ўқувчиларни касбга йўллаш технологиялари	186
<i>Махмудов Л.Ю., Фуломова А.Н.</i>	Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фан тараққиётида муҳим роль ўйнаган ижтимоий омиллар	189
<i>Насириддинова О.Т.</i>	Оилада ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантириш масалалари	193
<i>Юлдашева С.М., Юлдашев О.А.</i>	Ёшлар ахлоқий тарбиясида мутафаккир суфи оллоёр қолдирган маънавий меросининг аҳамияти	197
<i>Soliyev A.A., Mirvaliyeva M.Y.</i>	Shaxsning psixologik xususiyatlarida diqqatning roli	201
<i>Отамуратов С.</i>	Ёшлар фаоллигини ошириш омиллари	203
<i>Ostanov J., Suvanova D.</i>	Ekologik barqarorlikni ta'minlashda ekologik ong va madaniyatning o'rnini	207
<i>Останов Ж.Э.</i>	Ёшлар экологик маданиятини шакллантиришда миллий қадриятларнинг ўрни	209
<i>Дауланова Х.И.</i>	Мураккаб терминлар тузилишида семантик муносабатлар	214
<i>Қодирова Ш.А.</i>	Буюк аждодимиз Абу Али Ибн Синонинг тиббий ва маънавий-маърифий қарашларининг асрлар оша эътирофи	217
<i>Тилавов Ў.Ф.</i>	Дунё геоэкологик манзараси ва экологик гуманизм ғоялари	221
<i>Умарова Ф.С.</i>	Янги Ўзбекистон даврида ўзбек этнофаққуридаги янги ланишлар	224
<i>Исҳоқова Ш.М., Абдуллаева Х.Б., Қурбонов Ф.Ч.</i>	Табиий бойликларимизни зардўштилик динининг муқаддас китоби —Авестода эъзозланиши	226
<i>Худаёрова О.К.</i>	Аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш йўллари	230
<i>Бурхонова С.Т.</i>	Қишлоқ аҳолисининг ҳуқуқий онг ва маданиятини юксалтириш	233
<i>Абдурахманова Н.Х.</i>	Глобаллашув шароитида таълим-тарбия жараёнларининг ўзига хослиги	235
<i>Зияева Д.</i>	Ҳозирги глобаллашув жараёнида ўзбекистоннинг тинчлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш йўлида бмт билан самарали ҳамкорлик муносабатлари	238
<i>Зияев Ф.</i>	Глобаллашув жараёнида жамиятда диний қадриятларни мустаҳкамлаш масалалари	241
<i>Холбеков А.</i>	Глобаллашув жараёнида халқимизнинг тинчлик ва барқарорлик учун кураш фаоллигини ошиши	245
<i>Холбекова М.</i>		

TIBBIY TA'LIMDA TIBBIYOT FANLARI INTEGRASYASINING AHAMIYATI

ЗНАЧЕНИЕ ИНТЕГРАЦИИ МЕДИЦИНСКОЙ НАУКИ В
МЕДИЦИНСКОМ ОБРАЗОВАНИИ

THE IMPORTANCE OF THE INTEGRATION OF MEDICAL SCIENCE IN
MEDICAL EDUCATION

<i>Гулямова Ш.С., Закирходжаев Р.А.</i>	Основные аспекты профилактики коронавирусной инфекции SARS-CoV-2	249
<i>Каримова Г.К.</i>	Родоразрешения для женщин с гестационным диабетом	251
<i>Каримова Г.К., Ихтиярова Г.А.</i>	Выбор оптимального метода родоразрешения у женщин с гестационным сахарным диабетом	252
<i>Давронова Х.З.</i>	Роль локализации ишемического очага на развитие когнитивных нарушений	260
<i>Rustamova R.P., Ismailova A., Parmanova N.A.</i>	O_tkir respirator kasalliklar va ularni oldini olish	265
<i>Tillashaykhov M.N., Tillashaykhova R.N. Gaziev L.T. Kakhkharov A.J.</i>	Results of the analysis of clinical, morphological factors for the prognosis of renal cell carcinoma	270
<i>Тилляшайхов М.Н., Тилляшайхова Р.М. Каххаров А.Ж. Газиев Л.Т.</i>	Современные аспекты прогнозирования почечно-клеточного рака	276
<i>Одилова Ш.Ш.</i>	Изучение перитонеальных смывов на предмет остаточных раковых клеток после проведения радикальных операций по поводу рака желудка	281
<i>Тилляшайхов М.Н., Тилляшайхова Р.М., Юсупов Ш.Х. Газиев Л.Т.</i>	Мультифакторный анализ рака почки в зависимости от клинико-морфологических факторов прогноза	284
<i>Uralov Sh.M.</i>	Application of the electronic computer program for scoring the degree of dehydration for diarrhea in children and the choice of the optimal tactics of treatment	285
<i>Нортаева Н.А.</i>	Роль питания при кариесе зубов	287
<i>Мухтарам И.А., Файзиева М.И., Нуритдинова Н.Б., Шукурджанова С.М.</i>	Особенности суточного ритма артериального давления у больных артериальной гипертонией в сочетании с ожирением	288
<i>Давлатов Ж.Д., Тураев Н.Т., Ирсалиева Ф.Х.</i>	Оценка качества жизни при атопическом дерматите с пыльцевой сенсibilizацией	289
<i>Абдуллаев У.М., Алиева С.С., Дуланова Д.О., Мамурова А.Ж.</i>	COVID-19 касаллиги ташхисида диагностик усулларнинг касаллик даврларидаги ахамияти	289
<i>Наврүзова Н. О.</i>	Бачадон бўйни фон ва рак олди касалликларининг ретроспектив килиник ва лаборатор кўрсаткичлари	291
<i>Тог_аева D.S.</i>	Test-poloskaning bolalarga surunkali glomerulonefritda peshob umumiy taxlilini diagnostika qilishdagi ahamiyati	294
<i>Абдувохитова И.Н. Сафаров Х. Х., Тохтаев Г.Ш., Эргашева Н.Б.</i>	Лечение больных алергодерматитами с применением мази «Комфодерм»	295

<i>Курьязова Ш.М., Худайназарова С.Р., Илхомова Х.А.</i>	Особенности течения и клинико-иммунологическая характеристика некоторых заболеваний органов дыхания у детей Хорезмской области	298
<i>Курьязова Ш.М., Худайназарова С.Р.</i>	Частота встречаемости бронхолегочной патологии с сопутствующей патологией у детей младшего школьного возраста при длительном кашле	301
<i>Хошимова С.Ш., Каримова У.Н.</i>	Тест-полосканинг болаларда ўткир гломерулонефрит атопик дерматит билан кечганда альбуминурияни пешоб умумий таҳлилида диагностика қилишдаги аҳамияти	305
<i>Норбоев Х.Н. Расулов Ш.М.</i>	Коронавирус пандемияси даврида санитария-эпидемиология хизматининг тутган ўрни ва истиқболлари	306
<i>Расулов Ш.М., Матназарова Г.С. Вахобова М.Б., Шамухамедова Ф.А., Абдуллаева Н.И., Шухратова М.</i>	Эхинококкоз касаллигининг тарқалганлиги ва профилактикаси	309
	Развитие стоматологических заболеваний у беременных и методы ее профилактики	312
<i>Yadgarova N.F., Kuchkarov X.N.</i>	Shizofreniya kasalliklardagi kognitiv buzilishlar	315
<i>Рахматова М.Ж., Хидирова Н.К. Исхакова Г.А.</i>	<i>ALCEA NUDIFLORA L.</i> ўсимлиги полипреноллари асосидаги —преналонл воситасининг фармакологик хусусиятлари	316
<i>Махманазаров Г.А. Хаширбаева Д.М.</i>	Особенности и культура питания медицинских работников Узбекистана	320
<i>Амонова О.Р., Ирсадиева Ф.Х.</i>	Применение patch-тестов при пищевой аллергии с выжимкой концентрата соков фруктов и овощей	323
<i>Is'hakova M.O., Ergasheva H.E.</i>	Namangan shaxrida intraduksiya qilingan o_simliklar	324
<i>Азизова Б.Б.</i>	Характеристика тромбоцитов у больных сахарный диабет 2 типа	326
<i>Eshnazarov M.</i>	Stress oqibatida kelib chiqadigan kasalliklar va ularni bemorlarda namoyon bo_lishi	328
<i>Насириддинова О.Т.</i>	Оилада ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантириш масалалари	332
<i>Хуррамова Э.Ф., Нарметова Ю.К. Рўзиев Н.</i>	Депрессивные расстройства у студентов-медиков	336
	Ғарбий турк хоқонлигида давлатчилик тарихининг бошқа халқлар манбалари асосида ўрганилиш жараёнлари	338
<i>Рўзиев Н.</i>	Илк ўрта асрларда ғарбий турк хоқонлигида давлатчилик тарихининг ўрганилиши	342

Ilmiy-ommabop nashr

**“TIBBIY TA’LIMDA ETIKA VA INTEGRATSIYA
MASALALARI” MAVZUSIDAGI XALQARO ILMIY-
AMALIY KONFERENSIYA MATERIALLARI**

Nashriyot muharriri: Ilhom Yo‘ldoshev

Musahhiha: Sarvinoz Musaxo‘jayeva

Texnik muharrir: Behzod Boltaboyev

«MUMTOZ SO‘Z»

oilaviy korxonasi

nashriyoti

Manzil: Toshkent, Navoiy ko‘chasi, 69.

Тел.: 99 847-12-12

Bosishga ruxsat etildi 02.02.2021

Qog‘oz bichimi A4. Ofset qog‘ozi.

Times New Roman garniturası. Hisob-nashriyot tabog‘i 40,0.

Shartli bosma tabog‘i 42, 25.